

(“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари учун тайёрланган маҳсус матн)

Дунё инқирозлари: сабаблар, оқибатлар ва ечимлар

Оlamda одамзод юксак маънавий сифатлари боис жамики мавжудотларнинг гултожи ҳисобланади. Инсоният энг катта бунёдкор, обод қилувчи ва яратувчи кучга эга бўлиш билан бирга афсуски, баъзан нафс кўйида бузғунчиликка ҳам қодир...

Инсонлар ўз хатти-ҳаракатлари билан ижтимоий-иктисодий жараёнларни бошқаради, дунёни ўзгартиради. Таассуфки, шахслар ўзаро мулкий муносабатларни ўрнатиш, бойликларга эга бўлиш, уларни тақсимлаш даъвосида глобал ва минтақавий инқирозларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Дунёда содир бўлган инқирозларни ўйлаб топган ҳам, уларни бартараф этиш чораларини кўрган ҳам, илм-фанни ривожлантириб, коинотни кашф қилаётган ҳам, ўзи тўқиб чиқарган турли ақида ва ғояларга маҳкум бўлиб, бутун халқлар, мавжудотларнинг бошига турли балоларни ёғдираётган ҳам шу “ҳазрати Инсон” ҳисобланади.

Айрим давлат арбоблари, сиёsatчиларнинг оламни ўзгартириш даъвоси, ижтимоий-иктисодий қонун-қоидаларни инобатга олмай қабул қилган қарорлари туфайли глобал инқирозлар, урушлар ва очарчиликлар вужудга келгани ҳам сир эмас. Дунё олимларининг қайдларига кўра, сайёрамизда глобал тус олган инқирозлар жами 27 тани ташкил қилас экан. Халқаро Нордик университети олимлари, мутахассислари томонидан мазкур инқирозларнинг келиб чиқиши сабаблари, давлатлар томонидан уларни бартараф этиш мақсадида кўрилган чора-тадбирлар тафсилотларига оид тарихий фактлар ўрганиб чиқилди.

Сиз – азиз газетхонларга “Дунё инқирозлари: сабаблар, оқибатлар ва ечимлар” рукни остида ушбу маълумотларни етказиб боришни мақсад қилганмиз. Бугун сизларнинг эътиборингизга “Лолалар инқирози”, дея ном билан танилган голланд синдромининг келиб чиқиши сабабларини ҳавола этамиз.

ГОЛЛАНДИЯДА СОДИР БЎЛГАН “ЛОЛАЛАР ИНҚИРОЗИ” (1634-1637)

Келиб чиқиши сабаблари

Кўпчилик инсонлар лола илк марта Голландияда етиштирилган, деб нотўғри ўйлашади. Ушбу гулнинг ватани – Ғарбий Ўрта Ер денгизи ва Марказий Осиёнинг бир қисми (Покистон, Афғонистон ва Туркия) ҳисобланади. Лоланинг айрим турлари ёввойи ҳолда Шимолий Африка,

Жанубий Европа ва Японияда ўсади. Ушбу гул Европага 1554 йилда кириб келган. Туркия элчиси Бусбек мамлакат бўйлаб саёҳатларидан биррида чиройли гулни кўради ва Аугсбургга (Германиядаги шаҳар) биринчи лола пиёзларини юборади.

Лола Шарқдан олиб келинганда ўзига хос хусусиятга эга эди, яъни бир неча йил ўтгач, гулларнинг ранги ўзгарар эди. Бу дегани, бир дона лола пиёзининг эгаси вақт ўтиб мутлақо янги ва ноёб навнинг эгаси бўлиши мумкин. Бу бозорда оддий лола пиёзларига қараганда бир неча баробар юқори нархли маҳсулот, дегани эди. 1612 йилда Амстердамда янги каталог нашр этилди, унда юздан ортиқ лола навлари мавжудлигини кўриш мумкин.



Жан-Леон Жером, 1882-йил.

Лола жазаваси (Лоламания)ни тадқиқ қилишнинг асосий муаммоларидан бири бу – тарихий манбаларнинг мавжуд эмаслиги.

XVII асрнинг дастлабки йигирманчи йилларида лола бозорининг талаб ва таклиф доираси кенгайди. Профессионал миришкорлар осонликча бозорга киришлари мумкин эди, чунки лолалар сотуви бошқа савдолар сингари қатъий тартибга солинмаганди. Дастлаб лолалар ўта ноёб ҳисобланганлиги туфайли фақат юқори табака вакилларининг саройларида учратиш мумкин эди. Шунинг учун аввал лолалар зодагонлар жамиятининг ҳашаматли бойлиги бўлиб келган бўлса, кейинчалик бозорга ўрта синф вакилларининг кириб келиши натижасида боғлар барпо этиш тобора оммалашиб кетади. Ҳатто халқаро савдо ҳам жуда тез ривожланади.

Етказиб берувчиларнинг хилма-хиллиги туфайли нархларга чеклов қўйилади. Бу миришкорлар бошқа бирон бир култиватордан нусха кўчириш, юқори фойда олиш учун янги навларни яратишга мажбур бўлди, дегани эди. Шундай қилиб, янги яратилган навларга талаб одатий лолаларга қараганда юқорироқ бўлган.

1630 йилларда янги навларга бўлган талаб таклифдан ошиб кетади. 16-асрнинг 20-йилларида Испания билан қайта уруш бошлангани сабабли, Голландия иқтисодиёти инқирозга юз тутган бўлса, 1630-йилларда тез тикланиш ушбу тенденцияни янада кучайтириди.

Лолаларга талаб тобора ортиб борар, аммо таъминот етарли эмас эди. Голландияликларнинг асосий қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёти лола бизнесига боғланиб қолади. Голландиянинг катта шаҳарлари ҳисобланган Амстердам, Роттердам, Харлем ва Лейденда лолалар савдоси бўйича асосий олди-сотди ишларини олиб борувчи биржалар ташкил қилинди. Бу биржаларда нафақат "жонли" лолалар балки ҳали етиштирилиб ултурмаган лола пиёzlарини ҳам сотиб олиш мумкин эди. Бундан ташқари, бу ерда фақат олди-сотди ишлари эмас, балки келажак учун ҳам шартномалар тузилган. Бу шартномаларнинг мазмуни келажакда белгиланган вақтда ва келишилган миқдорда лола пиёzlарини сотиш ва сотиб олишдан иборат эди (хозирги тилда айтганда **варрант**дан фойдаланишган).

Айнан мана шу варрантлардан фойдаланиш "совун пуфаги"нинг шаклланишига олиб келди. Кўплаб голландияликларнинг бу бозорга кириб келиши учун имконият яратиб берди.



1637 йилда босилган, Голландия лоламаниясидан олинган
рисола

Бу биржада нафақат ўстирилган лолалар, балки келгуси йил кузда экилиши керак бўлган лола пиёzlари ҳам олди-сотди қилинган. Ушбу битимлар "**шамол кўллари**", деб ҳам аталган. Бир сўз билан айтганда, биржа фаолиятида «ҳаёт авжида» эди, фақат бу ерда акциялар эмас, балки лола пиёzlари тахминий нархларда сотилар эди. Биржа ҳаётидаги ўсиш кўплаб

голландияликларни мана шу бозорга киришга ундаиди. Лола маниясида қатнашишни хоҳлаган голландияликлар ўзларининг ягона мулкларини ҳам сотиш ҳисобига бир жуфт лола олиш ва кейинчалик уни қиммат нархга сотишга ошиқар эдилар.

1630 йилдан кейин пиёзларнинг нархлари муттасил ўсиб бориши сабабли, бозорда янги турдаги ўйин келиб чиқди: флористлар пиёзларни чайқовчилик учун актив сифатида ишлатишиди. Бундан ташқари, кенг жамият орасида «лола пиёzlари билан чайқовчилик қилиш тез ва юқори фойда келтиради», деган васвасалар келиб чиқди. Одамлар ўзларининг пиёзларини сотиш, тезроқ фойда олишга киришиб кетишиди. Бу эса, бозорни ҳаракатга солувчи механизмни бузди, яъни бозорда ҳамма ўз маҳсулотини сотар, бу эса, талаб йўқ аммо таклиф кўп, дегани эди.

Мана шу вазиятдан кейин биржада лолалар нархи кескин тушишини бошлади, талаб жуда кам лекин таклиф ҳаддан ташқари кўпайиб кетади.

Қандай оқибатларга олиб келди?

Инқироз 1637 йил бошида, нархлар ўсишда давом этадими ёки йўқми, деган шубҳа пайдо бўлганида юз берган. Бир кеча-кундузда лолаларнинг нархлари кескин тушиб кетиб, бойликларни йўқ қилди ва қўплаб оддий голланд оиласлари учун молиявий ҳалокатни юзага келтирди.

Нархлар “кулагани”дан сўнг харидорлар лолалар пиёзи учун форвард шартномалари бўйича тўловдан бош тортдилар. Дехқонлар тўлашни талаб қилиш фойда бермаслигини билишган ва шу сабабли 1637 йил 23 февралда Амстердамда умумий жараённи ҳал қилиш учун учрашишиди. Уларнинг аксарияти 1636 йил 30 ноябрдан кейин имзоланган барча шартномалар асл нархининг 10 фоизини тўлаш бўйича келишишга уринадилар. Ушбу қонуний, мажбурий бўлмаган таклиф эса харидорларни ишонтира олмади, улар ҳали ҳам шартномаларни ҳеч қандай тўловларсиз тўлиқ бекор қилишни талаб қилишар эди.

Ўша пайтдаги қўплаб голланд ёзувчиларининг фикрига қараганда, пиёзлар давлатнинг зарар кўриши ёки ривожланиши учун унчалик ҳам таъсир кўрсатмаган. Бунга иккита сабабни асос қилиб олишади: **биринчидан**, пиёзларнинг бутун савдоси давлат иқтисодиётининг унчалик катта қисми ҳисобланмаган. Лола пиёzlари билан шуғулланувчи қўплаб флористларнинг аксарияти учун эса, бу қўшимча иш ҳисобланган. Гарчи чайқовчиларнинг кутилган даромадлари қўкка совурилиб кетган бўлса ҳам, кўрилган зарар асосан шахсий даромад ҳисобига тўғри келган ва улар ўзларини ўзлари қоплар эди. Лекин шунга қарамай инқироздан катта зарар кўрганлар етарлича топиларди. Улар ўзларининг кўчмас мулкларини сотган ёки гаровга қўйган, нархлар тушгандан кейин эса ҳеч вақосиз қолган оддий аҳоли, ўз ерларини фойдаланиш учун флорист ва чайқовчиларга берган дехқонлар эди. Бироқ, бу тарқоқ муаммо бутун иқтисодиётга таъсир қилмади ва бутун эпизод қисқа локализация қилинди.

Юқорида айтиб ўтилган **иккинчи** жиҳат шундан иборатки, лола пиёзлари бозорида ишлатиладиган кредитнинг аксарияти пиёз савдоси билан шуғулланувчи томонлар ва молия институтлари томонидан берилган эди. Шундай қилиб, кредит йўқотишлари пиёз бозорида ажралиб турди ва умуман банкларга таъсир кўрсатмади. Бу Голландиянинг тўлов ва кредит тизимида барқарорликни келтириб чиқарди. Иқтисодий ўсиш учун катта таҳдид бўлган кредитларнинг музлаши Лоламания ҳалокатининг натижаси эмас эди. Бу ҳолатдан асосий зарап кўрганлар оддий аҳоли ва дехқонлар бўлиб қолди. Ушбу можароларни хусусий равишда ҳал қилишнинг муваффақиятсизлигини тушуниб етган ҳукумат холис бўлиш мақсадида мунозарали шартномаларни саралаш мажбуриятини маҳаллий ҳокимият идоралари зиммасига юклаб қўяди.

Ечимлари нимадан иборат эди?

1637 йил апрелда Голландия олий суди барча келишувларни тўхтатиб туришга қарор қилди ва шаҳар судларига низоларни маҳаллий даражада ҳал қилиш учун етарли маълумотлар йиғишни буюрди. Гарчи марказий парламент ушбу қарорни қонуний кучга киритиб қўйган бўлса ҳам шаҳарлар уни амалга оширишга уринишмади. Суд қарори ва унинг ижроси таъминланмагани дехқонлар ва оддий "жабрланувчи" аҳоли учун жуда катта зарапни келтириб чиқарди.

Қарор ижросини амалга оширмаётганларни шаҳар судлари шундай изоҳлашади: **"Яқинда гуллаш мавсуми, яъни дехқонлар учун лола ҳосилларини йиғишиш ва сотиши даври ҳисобланади".**

Инқиrozгача ҳеч нарса тўламаган барча шартнома эгалари бундан фойда олишди. Кейинчалик барча шартномаларнинг 3,5 фоизини бекор қилиш бўйича қарор қабул қилинган. Аввал бу қарорни Ҳаарлем шаҳар кенгаси



**Рейнсбургдаги лола далалари ва шамол тегирмони. Клод
Моненинг расмлари, 1886-йил. Винсент Ван Гог музейи, Амстердам.**

жорий қиласы. Бир йил үтгандан кейин эса, бошқа шаҳарлар ҳам бу қарорни қабул қилишади.

Одатда дүкөнларнинг тавсияларига амал қилған шаҳар судьялари қарор қабул қилишга шошилмадилар. Чайқовчилик билан шуғулланадиган расмийлар можарони ўз манфаатлари учун ҳал қилишга умид қилишди ва можаро мисли кўрилмаган даражада мураккаб, кенг миқёсли бўлиб чиқди. Ҳаарлемда эҳтирослар кескин авж олди. Шаҳар кенгаши март ойида шартномаларни харидорлар фойдасига, апрель ойида эса аксинча сотувчилар фойдасига қарор чиқарди ва кейин барча қоидаларни бекор қилди ва Бош штатлардан ёрдам сўради.

Кредиторлар ва қарздорларни бир-бирлари билан шахсий муомалада бўлишга мажбур қилған оддий ечим ишонч инқизозини янада кучайтирди ва Голландия жамоатчилигининг ишончли муҳитини абадий йўққа чиқарди. Қарама-қаршиликлар ҳуқуқий соҳадан чиқиб кетиб, яна бир неча йил давомида оилавий низолар даражасига кўтарилди: кредиторлар қарздорларни таъқиб қилдилар, қарздорлар тўлашдан бош тортдилар. Биринчи марта "нол варрант"га тоқат қилмаслик Ҳаарлемда тан олинган: 1638 йил январда Голландиядаги гул турлари бўйича биринчи ҳакамлик суди ишини бошлади.

Тўртта СБС воситачиларининг асосий вазифаси ҳақиқатни аниқлаш эмас, балки шаҳар аҳолисини музокараларга мажбуrlаш орқали яраштириш эди. 1638 йил май ойида Ҳаарлем низони ҳал қилишнинг стандарт тартибини ишлаб чиқди: агар сотувчи қарзни қайтаришни талаб қилса, қарздор-харидор сотувчига шартнома нархининг 3,5 фоизини тўлаганидан кейин ҳар қандай мажбуриятдан озод қилинган. Ушбу шартлар на гул ишлаб чиқарувчиларга, на лолаларни севадиган қарздорларга фойдали бўлмади; мунозарачиларга тинчлик билан тарқалиш Голландия олий судининг одил ҳукмини топишдан кўра осонроқ эди. Ушбу йўналиш бўйича ҳаракат қилған Ҳаарлем медиаторлари ўз шаҳарларидағи барча низоларни 1639 йил январгача ҳал қилдилар.

Ноаниқлик ҳолати лола шинавандалари ўртасида ваҳима қўзғатди. Буклетлар, прокламациялар ва мултфильмлар тайёрланиб, мамлакат бўйлаб "ақлдан озган" чайқовчиларни қораловчи лавҳалар тарқатилди. Табиий офат учун жавобгарларни қидириш бошланди. Бу масала бўйича парламентлар 1637 йил 27 апрелда қарор қабул қилдилар. Барча лола шартномалари, имзоланган санасидан қатъи назар, вақтинча тўхтатилди.

Амстердам Регенцлари шартномаларни ўз кучида қолдиришга қарор қилдилар, миришкорлар ва лолани хуш кўрувчилар эса судга бериш ҳуқуқини сақлаб қолишиди; Ҳаарлем, Алкмаар ва Голландиянинг бошқа барча шаҳарлари лола шартномаларини бекор қилди. Ноёб лола бозори икки йил ичида фалокатдан кутулди. 1637 йил ёзида ҳақиқий битимлар нархи бир пиёз учун минг гилдерга (гектар) яқинлашди. 1640 йилларнинг бошларидағи

маълумотлардан кўриниб турибдики, бу вақтга келиб ноёб лолаларнинг нархи 1636-1637 йиллардагига қараганда қарийб олти баравар паст бўлган.

Нархлар ва фойданинг пасайиши ортидан лолалар етиштирадиган фермер хўжаликлари сони аста-секин камайиб борди. 17 асрнинг ўрталарида келиб, Голландияда барча лола ишлаб чиқариш Ҳаарлем шаҳар чегараларида тўпланиб, омон қолган ўнга яқин фермер хўжалиги миллий бозорни тақсимлаб олган эди.

Гуллар "маниялари" вақти-вақти билан XVII асрда, ҳатто XX асрда ҳам учраб туради. 1703-йилда Усмон империясида Ахмед III ҳокимият тепасига келиши билан "лолалар асли" – йигирма етти йиллик "маърифатпарвар", никобсиз ҳедонизм даври бошланди. Ўзини ўйловчи ва лолаларни яхши кўрадиган янги сulton Истанбул жамиятида ҳам лола маниясининг янги тўлқинини яратди.

**Шерзод Мустафакулов,
Халқаро Нордик университети
ректори, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор.
Қобилжон Исаев.**